

# МММК фани 7-ЛЕКЦИЯ

МАВЗУ:

**ОҒИРЛИГИ ВА ЗАРАРЛИГИ  
БЎЙИЧА**

**ИШ КАТЕГОРИЯЛАРИ.**



# Режа:

- 1. Меҳнат шароитини умумий баҳолашнинг аҳамияти.
- 2. Меҳнат шароитини умумий баҳолаш кўрсаткичи киритилишининг асоси.
- 3. Иш категориялари.

# Меҳнат шароитини умумий баҳолашнинг аҳамияти

- Меҳнат шароитини яхшилаш бўйича қилинадиган ишларнинг самарали яқунланиши:
  - меҳнат шароити ҳолатини тўғри таҳлил қилишга;
  - бу ҳолатни алоҳида элементлар бўйича;
  - ҳамда қандайдир бир кўрсаткич билан умумий баҳолашга боғлиқ.

# Меҳнат шароитини умумий баҳолаш кўрсаткичи

- Меҳнат шароитини умумий баҳолаш кўрсаткичи қилиб ҳозирги вақтда **“иш оғирлиги”** қабул қилинган.
- Бунга сабаб меҳнат шароитини шакллантирувчи элементларнинг ҳар-хил, ўзаро турли йиғма таъсирига одам организмининг бир хилда қарши таъсирланишидир.

- Одам организмида оғирлиги жиҳатидан бир хил бўлган ўзгаришларни турли сабаблар келтириб чиқариши мумкин.
- Масалан, маълум бир оғир ўзгаришнинг сабаби, бир ҳолатда ташқи муҳитнинг **зарарли омили**, бошқа ҳолатда ўта ақлий ва жисмоний юкланиш, бошқа бир ҳолатда эса ўта асаб - эмоционал юкланишда **ҳаракатнинг камлиги** бўлиши мумкин.

# Иш оғирлиги

- Шундай қилиб, **иш оғирлиги** меҳнат шароитини ҳосил қилувчи ҳамма элементларнинг инсон ҳаёт – фаолиятига, иш қобилиятига, соғлигига ва ишчи кучини тиклашига умумий таъсирини характерлайди.
- Иш оғирлигини бундай таърифлаш, уни **жисмоний ва ақлий меҳнатни** баҳолашда бир хилда қўллаш имконини беради.

# Иш оғирлигининг даражаси

- **Иш оғирлигининг даражаси**  
тўғрисида одам организмида юз берадиган таъсирланишлар ва ўзгаришлар бўйича ҳукм чиқариш мумкин.
- Пировард натижада улар **меҳнат шароитининг сифат кўрсаткичлари** бўлиб хизмат қилади.

# Одам организмининг учта функционал ҳолати

- Функционал тизимларнинг замонавий физик назариясига асосан одам организмининг **учта функционал ҳолатини** фарқлаш мумкин:
- **нормал ҳолат;**
- **чегаравий ҳолат;**
- **патологик ҳолат.**
- Уларнинг ҳар бири **тиббий-физиологик ва техник – иқтисодий кўрсаткичлар** билан аниқлаб олинадиган ўзига хос белгиларга эга.



# Иш категориялари

- Меҳнат жараёни вақтида турли омилларнинг таъсири остида инсон организмида юқоридаги учта ҳолатнинг фақат биттаси юзага келиши мумкин.
- Шунинг учун уларни **иш оғирлиги категорияларини аниқлашнинг физиологик даражаси (шкаласи)** сифатида ишлатиш мумкин.
- Юқоридаги учта ҳолатга мос равишда иш оғирлигининг **учта асосий категорияси** аниқланган. Кейинги изланишлар натижасида эса уларнинг ичида **яна учта иш категорияси** аниқланди.

- **Биринчи категория** – мақбул ишлаб чиқариш шароитида бажариладиган, мақбул даражадаги ақлий, асаб-эмоционал ва физик кучланишни талаб қиладиган ишлар. Иш қобилияти юқори, унумдорлик катта, одам организми нормал функционал ҳолатда.
- **Иккинчи категория** – зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг энг юқори йўл қўйиладиган даража ва концентрациялари меъёрий –техник ҳужжатлар талаблари даражасида. Ишчанлик яхши, соғлиқда ўзгариш йўқ.

- **Учинчи категория** – соғлом одам организмида чегаравий ҳолатга хос таъсирналишлар юз беради, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасаяди. Меҳнат шароитини яхшилаш ва дам олиш салбий оқибатларни бартараф қилади.
- **Тўртинчи категория** - соғлом одам организмида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсири остида чегаравий ҳолатга хос чуқурроқ ўзгаришлар юз беради. Кўпчилик физиологик кўрсаткичлар ёмонлашади, айниқса иш даври охирида (смена, ҳафта). Ишлаб чиқариш омиллари таъсири остидаги касалланиш олди ҳолати юзага келади.

- **Бешинчи категория** – кўнгилсиз, ноқулай меҳнат шароити таъсири остида иш даври охирида соғлом одам организмида патологик функционал ҳолатга хос таъсирланишлар юз беради. Яхши дам олишдан кейин у ҳолат кўпчиликда ўтиб кетади, баъзиларда эса касб касалликларига ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа касалликларга айланиб кетиши мумкин.
- **Олтинчи категория** – ўта кўнгилсиз, ноқулай (критик) меҳнат шароитларида бажариладиган ишлар натижасида одам организмида патологик таъсирланишлар тез ривожланади, организмда оғир бузилишлар юз беради.

# Ишларни оғирлиги, зўриқиш, зарарлиги ва хавфлилиги жиҳатидан категорияларга бўлишнинг мақсади

- Амалий жиҳатдан ишларни оғирлиги, зўриқиш, зарарлиги ва хавфлилиги жиҳатидан категорияларга бўлиш турли меҳнат фаолиятларини солиштириш, меҳнат шароитини баҳолаш, керакли соғламлаштириш ишларини аниқлаш, зарарли моддаларнинг ва омилларнинг энг юқори йўл қўйиладиган концентрация ва чегараларини аниқлаш, қўшимча пул тўлаш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун қилинади.
- Юқоридаги мақсадларга мувофиқ равишда ишларнинг бир нечта классификацияси мавжуд.

# “Ишнинг гигиеник жиҳатдан классификацияси

- “Ишнинг гигиеник жиҳатдан классификацияси (ишлаб чиқариш муҳитининг хавфли ва зарарли омиллари кўрсакичлари бўйича”) № 4137-86 билан 12 август 1986 йилда тасдиқланган.
- Иш шароитини яхшилаш бўйича чоралар кетма-кетлигини аниқлаш, қўшимча пул тўлаш муаммоларини ҳал қилиш учун қилинган.

# Стандарт буйича қилинган иш классификация


- СМ № 4088-86 ва ГОСТ 12.1.005-88 буйича қилинган классификация иш оғирлигига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш хоналарида энг мақбул ва йўл қўйиладиган микроиклим кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади (1-жадвал).

## Энергия сарфи бўйича иш категориялари таснифи


Иш турлари	Ишларнинг таърифи	Энергия сарфи, Ж/с
Енгил-1 а	Ўтириб бажариладиган ва куч талаб этилмайдиган ишлар	139 гача
Енгил-1 б	Ўтириб, туриб ёки юриб бажариладиган, озро? жисмоний куч талаб ?илинадиган ишлар	140-174
Ўрт ача о?ир-ли?даги-П а	Юриб, тик турган ёки ўгирган ?олда енгил (1 кг гача) буюмларни суриш ва озро? жисмоний фаоллик талаб ?иладиган ишлар	175-232
Ўрт ача о?ир-ликдаги-П б	Туриб, юриб, кичикро? (10 кг гача) буюмларни ташиб бажариладиган, маълум миқдорда жисмоний фаоллик талаб ?иладиган ишлар	233-290
О?ир-Ш	Доимо о?ир юкларни кўтариш, ташиш билан бо?ли? бўлган, катта жисмоний куч талаб ?иладиган ишлар	290 дан кўп



**Венн диаграммаси ёрдамида 3 та асосий иш  
категориясининг ўхшаш ва фарқли томонларини  
белгиланг**



# Топшириқ: Инсон организми ҳолати ва уларнинг хусусиятларини кластер ёрдамида белгиланг



# Назорат саволлари

- Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари қанақа гуруҳланади.
- “Иш оғирлиги” нима?
- Иш оғирлигининг тушунчасининг киритилиши асоси нима?
- Инсон организми ҳолати турларини келтиринг.
- Нормал ҳолат хусусияти қанақа?
- Чегаравий ҳолат хусусияти қанақа?
- Патологик ҳолат хусусияти қанақа?
- Иш оғирлигининг асосий категорияларини келтиринг.
- Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишнинг асосий йўналишлари ва услублари қанақа

Эътиборингиз учун раҳмат

